

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

350 Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 68-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 17 июнь,
2014-25-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил
17 июндаги 2014-25-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан
боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини
шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 68-моддасига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органларида солиқ солиш объектлари

хамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини электрон тарзда шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича ҳамда у тўлаётган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

2. Ушбу Низомнинг қоидалари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга, шунингдек ундирилиши тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган бошқа мажбурий тўловларга татбиқ этилмайди.

2-боб. Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш манбалари

3. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси объект жойлашган жойдаги ҳудудий давлат солиқ хизмати органларида ички ва ташқи ахборот манбалари асосида электрон кўринишда шакллантирилади.

4. Ички манбалар қуйидагилардан иборат:

а) солиқ тўловчилар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган чораклик, йиллик молиявий ҳисоботлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари, тушунтириш хатлари, маълумотлар ва маълумотномалар тўғрисидаги;

б) қуйидагиларнинг суммаси кўрсатилган солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкалари тўғрисидаги:

ҳисобланган, тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

қайтарилган, камайтирилган ҳамда ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ва ҳисобланган пенялар;

в) қўшимча ёки камайтиришга ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги солиқ текширувлари далолатномалари, шунингдек солиқ текширувлари материаллари бўйича суд қарорлари асосида ёки ихтиёрий равишда тўланган (ундирилган) жарималар суммалари тўғрисидаги;

г) солиқ қонунчилиги соҳасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун маъ-

мурий жарима қўлланилган шахслар ва қўлланилган жарима суммаси тўғрисидаги;

д) жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш маълумотларини ўз ичига олувчи давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган солиқ тўловчилар тўғрисидаги;

е) солиқ тўловчиларнинг мол-мулк, ер солиқлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги;

ж) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида банк кассаларига нақд пул тушуми келиб тушиши бўйича ўтказилган хронометражлар натижалари тўғрисидаги ахборотлар.

5. Ташқи манбалар қуйидагилардан иборат:

а) давлат рўйхатидан ўтказувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги;

б) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 84-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 2-иловада назарда тутилган тегишли органлар ва ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тугатилиши) тўғрисидаги;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ёзма сўровига асосан тегишли ахборот тақдим этувчи бошқа органлар ва ташкилотларнинг солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тугатилиши) тўғрисидаги ахборотлари.

3-боб. Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш бўйича ишларни ташкиллаштириш

6. Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш ва солиқ тўловчиларни объектлар бўйича ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 80 ва 81-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Солиқ тўловчилар — жисмоний шахсларни ҳисобга қўйиш туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлимлари (тузилмалари) томонидан амалга оширилади.

Бунда, жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари асосида ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш варақаси тўлдирилади ҳамда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маъ-

лумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан жисмоний шахсга ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш varaқасидаги маълумотлар ўзгарганда, жисмоний шахс томонидан ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахснинг рўйхат маълумотларидаги ўзгаришлар varaқаси тўлдирилади.

8. Жисмоний шахснинг мол-мулк, ер солиқлари ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга қўйиш varaқаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади ва мазкур маълумотлар Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш дастурий мажмуасига киритилади.

9. Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ҳамда адлия органлари томонидан рўйхатдан ўтказилмайдиган солиқ тўловчи — юридик шахсларни туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш учун солиқ тўловчи — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш varaқаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади.

Солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш varaқаси тўлдирилгандан кейин туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг юридик шахсларга солиқ солиш бўлими (тузилмаси) масъул ходими уни ушбу давлат солиқ инспекциясининг солиқ ва мажбурий тўловларнинг тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона

реестрида ишловдан ўтказилгач, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ тўловчи — юридик шахсга ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади, солиқ тўловчи — юридик шахснинг алоҳида бўлинмасига эса ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш варақасидаги маълумотлар ўзгарганда, солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — юридик шахснинг рўйхат маълумотларидаги ўзгаришлар варақаси тўлдирилади.

Солиқ тўловчи — юридик шахс тўғрисида қўшимча маълумотлар юзага келганда солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — юридик шахс тўғрисида қўшимча маълумотлар варақаси тўлдирилади.

10. Солиқ тўловчиларни Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 83-моддасига кўра, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

солиқ тўловчи — жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — улар вафот этгандан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

солиқ тўловчи — юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — уларнинг Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

4-боб. Яқуний қоида

11. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

(олд томони)

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХСНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВАРАҚАСИ**

01. Солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИР:																						
Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда)																						
02. Фамилияси:																						
03. Исми:																						
04. Отасининг исми:																						
05. Туғилган санаси (кун, ой, йил):	/		/																			
06. Туғилган жойи:																						
МАНЗИЛИ	07. Почта индекси:																					
08. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.:																						
09. Туман, шаҳар:																						
10. Шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе:																						
11. Маҳалла, участка, даҳа:																						
12. Кўча, тор кўча, берк кўча:																						
13. Уй, корпус, блок:	/											14. Хона:										
15. Телефон рақами:												16. Уяли телефон рақами:										
17. Электрон манзили:																						
ПАСПОРТИ	18. серияси:											19. Рақами:										
20. Ким томонидан берилган:																						
21. Қачон берилган (кун, ой, йил):	/		/									22. Амал қилиш муддати (кун, ой, йил):	/		/							
23. Фуқаролиги: Ўзбекистон Республикаси фуқароси:	чет эл фуқароси:				фуқаролиги бўлмаган шахс:																	
24. Фуқаролик юрти:																						
25. Жинси: эркак:												аёл										
26. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):			/			/																
27. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси рақами:																						

28. Варақадаги ёзувларнинг аниқ ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

Солиқ тўловчининг имзоси _____

(орқа томони)

ДСИ инспектори томонидан тўлдирилади				
29. СТИР берилган сана (кун, ой, йил): <input type="text"/> / <input type="text"/> / <input type="text"/>				
30. Солиққа оид мажбуриятлари:				
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи:	<input type="text"/>	Ер солиғи:	<input type="text"/>	Мол-мулк солиғи:
	<input type="text"/>		<input type="text"/>	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:
	<input type="text"/>		<input type="text"/>	<input type="text"/>
31. ДСИ коди: <input type="text"/>				

32. Инспектор: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

33. ДСИ бошлиғи: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

34. Идентификация рақамини олдим:

Сана _____ (кун, ой, йил) _____ (солиқ тўловчининг имзоси)

ҲУРМАТЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ!

Сиздан ушбу рўйхатга олиш варақасини тўлдиришингизни сўраймиз.

02 — 24-бандларга доир маълумотларни қисқартиришларсиз паспортга қараб тўлдилинг.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе, маҳалла, участка, даҳа, кўча, тор кўча ва берк кўчаларнинг номлари уларнинг расмий номлари билан бир хил бўлиши керак.

Саналар рақамлар билан қуйидаги тартибда кўрсатилиши шарт: кун, ой, йил.

23 ва 25-бандлардаги тегишли жойларни «X» белгиси билан тўлдилинг.

ЭСЛАТМА: 01-банд солиқ тўловчи томонидан тўлдирилмайди.

Сизнинг маълумотларингиз Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, Сизга Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Шунда Сиз 34-бандга идентификация рақамини олганлигингиз тўғрисида ёзув киритасиз.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIҚ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида
рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида
Г У В О Х Н О М А**

УДОСТОВЕРЕНИЕ

**о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и
присвоении идентификационного номера налогоплательщику**

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХС
(НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК — ФИЗИЧЕСКОЕ ЛИЦО)**


Фамилияси:
(Фамилия)

Исми:
(Имя)

Отасининг исми:
(Отчество)

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги
солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) берилди:

(Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и
ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН))



СТИР берилган сана: _____
(дата присвоения ИНН)

_____ ДСИ бошлиғи
(начальник ГНИ)

Ф.И.О.: _____

Имзо _____
(подпись)

Муҳр
(печать)

Гувоҳнома чоп этилган сана: _____
(дата печати удостоверения)

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(олд томони)

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ РЎЙХАТ
МАЪЛУМОТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВАРАҚАСИ**

Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда)	
01. СТИР:	
02. Фамилияси:	
03. Иси:	
04. Отасининг исми:	
05. Туғилган санаси (кун, ой, йил):	/ /
06. Туғилган жойи:	
МАНЗИЛИ 07. Почта индекси:	
08. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.:	
09. Туман, шаҳар:	
10. Шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе:	
11. Маҳалла, участка, даха:	
12. Кўча, тор кўча, берк кўча:	
13. Уй, корпус, блок:	/
14. Хона:	
15. Телефон рақами:	
16. Уяли телефон рақами:	
17. Электрон манзили:	
ПАСПОРТИ 18. Серияси:	19. Рақами:
20. Ким томонидан берилган:	
21. Қачон берилган (кун, ой, йил):	/ /
22. Амал қилиш муддати (кун, ой, йил):	/ /
23. Фуқаролиги: Ўзбекистон Республикаси фуқароси:	чет эл фуқароси:
24. Фуқаролик юрти:	фуқаролиги бўлмаган шахс:
25. Солиқ тўловчининг ҳолати:	
26. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):	/ /
27. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси рақами:	

28. Солиқ тўловчининг имзоси _____

(орқа томони)

29. СТИР берган
ДСИ коди:

--	--	--	--

30. ДСИ коди:

--	--	--	--

32. Инспектор: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

33. ДСИ бошлиғи: _____
(Ф.И.О.)

(имзо)

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

(олд томони)

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЖИСМОНИЙ ШАХСНИНГ СОЛИҚЛАРИНИ ХИСОБГА ҚЎЙИШ ВАРАҚАСИ

Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда)												
01. СТИР:												
02. Фамилияси:												
03. Исми:												
04. Отасининг исми:												
05. Почта индекси:												
06. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.:												
07. Туман, шаҳар:												
08. Шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе:												
09. Маҳалла, участка, даҳа:												
10. Кўча, тор кўча, берк кўча:												
11. Уй, корпус, блок:												
12. Хона:												
13. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ												
Т/р	Объект коди	Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат	Ҳужжат рақами	Ҳужжат берилган сана	Мулкнинг умумий майдони	Инвентаризация қиймати ёки шартли қиймати	Солиқ ставкаси					
1.												
2.												
3.												
4.												
5.												
14. Уй-жой, квартира, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар бўйича имтиёз												
Ҳужжат: _____ Ҳужжат рақами: _____												
15. Солиқ суммаси: Умумий _____ Имтиёзли _____												
Объект коди: 1 — уй-жой (ҳовли уй); 2 — квартира; 3 — дала ҳовли; 4 — гараж; 5 — бошқа иморатлар; 6 — тижорат объектлари; 7 — қишлоқ жойларда намунавий уйлар; 8 — иншоотлар.												
16. ЕР СОЛИҒИ												
Т/р	Объект коди	Ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат	Ҳужжат рақами	Ҳужжат берилган сана	Меъёридаги умумий майдон (қв. м)	Меъёридан ортиқ ер майдони (қв. м)						
1.												
2.												
3.												
4.												
5.												

(орқа томони)

Т/р	Объект коди	Имтиёзли ер майдони	Имтиёз берувчи хужжат номи	Имтиёз берилган сана	Имтиёз муддати (бошланиши, тугаланиши)	Ер зонасининг коди	Ер зонасининг коэффициенти	Солиқ ставкаси
1.								
2.								
3.								
4.								
5.								
17. Солиқ суммаси: Умумий				Имтиёзли				
Объект коди: 1 — аҳоли яшайдиган пунктларда шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун берилган ер, 2 — аҳоли яшайдиган пунктлардан ташқарида шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун берилган ер; 3 — лалмикор ерлардан ёрдамчи шахсий хўжаликни юритиш учун берилган ер, 4 — якка тартибда уй-жой куриш учун берилган ер, 5 — жамоа боғдорчилиги ва сабзавотчилиги учун берилган ер, 6 — хизмат учун ажратилган ер, 7 — савдо, аҳолига хизмат кўрсатиш ва бошқа объектлар, 8 — шахсий ва жамоа гаражлари, 9 — сотиб олинган боғ ва тоқзорлар; 10 — сотиб олинган қишлоқ хўжалиги объектлари.								
18. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ								
Жисмоний шахс томонидан деҳқон хўжалигида ишлатилган сув:	Манба тури	Ишлатилган сув ҳажми (м ³)	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	Қўлланилган имтиёз			
	Ер усти				коди	сув ҳажми (м ³)		
	Ер ости							
19. Деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер майдони (га)								
Жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолияти учун ишлатилган сув:	Манба тури	Ишлатилган сув ҳажми (м ³)	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси	Қўлланилган имтиёз			
	Ер усти				коди	сув ҳажми (м ³)		
	Ер ости							
20. Имтиёз коди: 1-Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан								
21. Солиқ ставкаси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори асосида белгиланган ставкалар								
ДСИ инспектори томонидан тўлдирилади								
22. Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланадими:		23. Икки ва undan ортиқ даромад манбаига эгами:						
24. ДСИ коди:								
25. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):								
26. Инспекторнинг СТИРи:		27. Махалла:		Участка				
28. Инспекторнинг Ф.И.О.:				Имзо				
29. Солиқ тўловчининг Ф.И.О.:				Имзо				
30. Оператор Ф.И.О.:				Имзо				

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 5-ИЛОВА

(олд томони)

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЮРИДИК ШАХСНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ВАРАҚАСИ**

01. Солиқ тўловчининг идентификация рақами — СТИР:																				
Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда)																				
02. Тўлиқ номи:																				
03. Қисқача номи:																				
МАНЗИЛИ										04. Почта индекси:										
05. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.:																				
06. Туман, шаҳар:																				
07. Шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе:																				
08. Маҳалла, участка, даҳа, кўча, тор кўча, берк кўча:																				
уй, корпус, блок, хона:																				
09. Телефон рақами:										/										
11. Электрон манзили:																				
12. Асосий фаолият тури:																				
13. Мулкчилик шакли:																				
14. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:																				
15. Ташкил этишга асос бўлган ҳужжат рақами:																				
16. Ташкил этишга асос бўлган ҳужжат санаси:																				
17. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):										/	/									
18. Бош корхонанинг СТИРи:																				
19. КТУТ коди:																				

Варақадаги ёзувларнинг аниқ ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

20. Солиқ тўловчининг мансабдор шахси _____ (Ф.И.О., лавозими) _____ (имзо)

(орқа томони)

ДСИ инспектори томонидан тўлдирилади	
21. СТИР берилган сана (кун, ой, йил):	<input type="text"/> / <input type="text"/> / <input type="text"/>
22. ДСИ коди:	<input type="text"/>

23. Инспектор: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

24. ДСИ бошлиги: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

25. Идентификация рақамини олдим:

Сана _____ (кун, ой, йил) _____ (имзо)

ҲУРМАТЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ!

Сиздан ушбу рўйхатга олиш варақасини тўлдиришингизни сўраймиз.

02 — 14-бандларга доир маълумотларни қисқартиришларсиз тўлдилинг.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе, маҳалла, участка, даҳа, кўча, тор кўча ва берк кўчаларнинг номлари уларнинг расмий номлари билан бир хил бўлиши керак.

Саналар рақамлар билан қуйидаги тартибда кўрсатилиши шарт: кун, ой, йил.

ЭСЛАТМА: 01-банд солиқ тўловчи томонидан тўлдирилмайди.

Сизнинг маълумотларингиз Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, Сизга Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Шунда, Сиз 25-бандга идентификация рақамини олганлигингиз тўғрисида ёзув киритасиз.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT SOLIҚ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида
Г У В О Х Н О М А**

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЮРИДИК ШАХС

(НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК — ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО)

Тўлиқ номи:


(Полное наименование) _____

Қисқача номи:

(Краткое наименование) _____

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга куйидаги идентификация рақами берилди:

(Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и ему присвоен идентификационный номер)



СТИР берилган сана: _____
(дата присвоения ИНН)

_____ ДСИ бошлиғи
(начальник ГНИ)

Ф.И.О.: _____

Имзо _____
(подпись)

Муҳр
(печать)

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 7-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**Солиқ тўловчи — юридик шахсинг алоҳида бўлинмаси Ўзбекистон
Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга
идентификация рақами берилганлиги тўғрисида
Г У В О Х Н О М А**

УДОСТОВЕРЕНИЕ

**о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и присвоении идентификационного номера обособленного подразделения
налогоплательщика — юридического лица**

**БОШ КОРХОНАНИНГ НОМИ
(НАИМЕНОВАНИЕ ГОЛОВНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ)**

**БОШ КОРХОНАНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ
(ИДЕНТИФИКАЦИОННЫЙ НОМЕР ГОЛОВНОГО ПРЕДПРИЯТИЯ)**

[Empty box for identification number]

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЮРИДИК ШАХСНИНГ АЛОҲИДА БЎЛИНМАСИ
(ОБОСОБЛЕННОЕ ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА —
ЮРИДИЧЕСКОГО ЛИЦА)**

Тўлиқ номи:
(Полное наименование) _____

Қисқача номи:
(Краткое наименование) _____

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги идентификация рақами берилди:
(Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и ему присвоен идентификационный номер)

[Empty box for date]

СТИР берилган сана: _____
(дата присвоения ИНН)

_____ ДСИ бошлиғи
(начальник ГНИ)

Ф.И.О.: _____

Имзо _____
(подпись)

Мухр
(печать)

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ — ЮРИДИК ШАХСНИНГ РЎЙХАТ
МАЪЛУМОТЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВАРАҚАСИ**

Босма ҳарфлар билан тўлдирилади (қўлда тўлдирилганда)																											
01. СТИР:																											
02. Тўлиқ номи:																											
03. Қисқача номи:																											
МАНЗИЛИ														04. Почта индекси:													
05. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент ш.:																											
06. Туман, шаҳар:																											
07. Шаҳарча, қишлоқ, овул, мавзе:																											
08. Маҳалла, участка, даҳа: кўча, тор кўча, берк кўча: уй, корпус, блок, хона:																											
09. Телефон рақами:														10. Факс рақами:													
11. Электрон манзили:																											
12. Асосий фаолият тури:																											
13. Мулкчилик шакли:																											
14. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:																											
15. Ташкил этишга асос бўлган ҳужжат рақами:																											
16. Ташкил этишга асос бўлган ҳужжат санаси:																											
17. Тўлдирилган сана (кун, ой, йил):																											
18. Бош корхонанинг СТИРи:														19. КТУТ коди:													
ДСИ инспектори томонидан тўлдирилади																											
20. Солиқ тўловчининг ҳолати:																											
21. СТИР берган ДСИ коди:														22. Назоратга олган ДСИ коди:													

23. Солиқ тўловчининг мансабдор шахси _____ (Ф.И.О., лавозими) _____ (имзо)

24. Инспектор: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

25. ДСИ бошлиғи: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

(орқа томони)

11. САВДО ВА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ:						
Т/р	Фаолият тури	Жойлашган ери (манзили) (вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, кўча)				
1.						
2.						
3.						
12. БОШҚА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ:						
1.						
2.						
3.						
13. МУАССИСЛАР:						
Т/р	Номи	Ўзбекистон Республикаси/ хорижий давлат	Мамлакат	Улуши		
				фоизда	сумма	
1.						
2.						
3.						
14. ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ:						
Т/р	Номи	Асос	Қарор рақами	Санаси	Қачондан	Қачонгача
1.						
2.						
3.						
15. ИМТИЁЗЛАРИ:						
1.						
2.						
3.						

Варақадаги ёзувларнинг аниқ ва ҳаққонийлигини тасдиқлайман.

16. Солиқ тўловчининг мансабдор шахси _____ (Ф.И.О., лавозими) _____ (имзо)

ДСИ инспектори томонидан тўлдирилади						
17. ДСИ коди:						

18. Инспектор: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

19. ДСИ бошлиғи: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)